

Аё чарх, этдинг ортуқ жабр бунёд,  
Кўзим ёшлиғ, тилимда қолди фарёд.  
Ҳаётим лолазоридин аюрдинг,  
Ёқиб жоним, кулим кўкка совурдинг, -

*Ҳабибулло Қодирий. Абдулла Қодирий замондошлари хотирасида. Тошкент, 1986. 16-бет.*

### **Алвидо!**

Яна бир марта алвидолашдик,  
Йўлинг устида ай хунукпарда.  
Яна кулларни кўкка совуришдик,  
Қолмасин сендан ҳеч дарак ерда!  
Шунча вақт сақладинг қизил юзни,  
Жирканч тор қафас – қаро тўрда.  
Чўрилиқ байроғи аланга олиб.  
Нур билан ёрилсин қўлаганг ерда!

Имзо А.Қодирий

*Ҳабибулло Қодирий. Абдулла Қодирий замондошлари хотирасида. Тошкент, 1986. 136-137 бетлар.*

Ёғлар тўкилса ерга ётиб ялар тақсири,  
Бўлса бозорда пастлик сотиб олар тақсири.  
Меним учун бир зирақ, Раънбонуға жевак,  
Деса ойим – “Не керак?!” юмма талар тақсири.  
“Кулоқ тешиш фазл эмас, пулни топиш ҳазл эмас,  
Жевак тақиши фарз эмас!” ғавғо солар тақсири.

*Абдулла Қодирий. Мехробдан чаён. Тошкент, 1994. 10-бет.*

Очилимай сўлса ҳар гул ғунчаси пиру жувон йиғлар,  
Емас пиру жувон, балки ҳамма аҳли жаҳон йиғлар.

Ажал яғмогари боғи зако ичра узиб занжир,  
Раҳмсиз эзса маъсум лолаларни, чун хазон йиғлар.

Насимим кетди оламдин мени қайғу аро ташлаб,  
Кўзимдин оқса хун ҳеч бир ажаб йўқ, чунки қон йиғлар.

Жаҳонда эрди танҳо мен ятимга ҳамнишин, дилдор,  
Фарибликнинг диёрида адашкан нотавон йиглар...

*Абдулла Қодирӣ. Мехробдан чаён. Тошкент, 1994. 26-бет*